**Emro Science and Education**
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · "Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnol... DOI: 10.5281/zenodo.24319088

*materiallar to'plami*

# КЛАСТЕР ТАСНИФИ ВА УНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

**Мавлянов Мажид Тўйчиевич**
**Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети "Ахборот технологиялари" кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ мустақил тадқиқотчиси**
**ORCID: 0000-0001-5162-0558**

**Аннотация.** Мақолада кластернинг таснифи, унинг муҳим жиҳатлари, кластерни таснифлашга бўлган ёндошувлар ва кластерларнинг синфланишига оид мулоҳазалар ёритилган.

**Калит сўзлар.** Ҳудуд, минтақа, гуруҳ, кластер, кластер атамаси, кластер тушунчаси, Портер, иқтисодиёт, кластерларни синфлаш, барқарор, афзаликлар,

Ўрганишлар "ўз иқтисодиётида кластерлаштириш сиёсатини қўллаган ривожланган давлатлар ялпи ички маҳсулотнинг 75 фоиздан 90 фоизгача ўсишини таъминлай олганини" кўрсатади [1]. Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти экспертлари томонидан Ўзбекистонда 2018-2022 йилларда кластерларнинг ривожланиш тенденцияси ва хусусиятлари ўрганилиб қуйидаги маълумотлар қайд этилади [2]: Ўзбекистонда 2018-2022 йилларда 506 та кластер шакллантирилди. Сўнгги беш йилда улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 32 баравар ошди ва 2022 йил натижаларига кўра 28,7 триллион сўмга етди. 2018-2022 йилларда кластерларга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 5,2 маротаба, тизимда банд бўлганлар сони эса 2,5 маротаба ортди. Кластерларнинг жами саноат маҳсулотлари экспортидаги улуши 2019 йилда 5 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 11,4 фоизга етди. 2018-2022 йиллар оралиғида кластерлар тизимида меҳнат унумдорлиги 12,9 баравар, инвестицияларнинг рентабеллик (ARR) коэффициенти 1 дан 1,4 гача ошди. Бу кластерлаштириш лойиҳалари жуда самарали эканлигидан далолат беради.

Кластер атамаси биринчи марта таниқли олим Майкл Портер томонидан дунёнинг турли мамлакатларида жойлашган йирик, ўрта ва кўплаб кичик корхоналарнинг 100 та энг рақобатбардош гуруҳининг ривожланиши ва ишлаш шароитлари батафсил ўрганиши асосида пайдо бўлди. Портер, бир тармоқ корхоналарининг бир ёки бир нечта йирик фирмаларининг гуруҳлари жаҳон бозорида рақобатбардошликка эришгач, ўз таъсирини ва ишбилармонлик алоқаларини ўзларининг яқин атроф-муҳитида кенгайтириб, аста-секин энг яхши етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг барқарор тармоғини яратилганлиги сабабли шаклланишини аниқлади. Ўз навбатида, бундай муҳитнинг муваффақиятлари ушбу компаниялар гуруҳидаги барча иштирокчиларнинг рақобатбардошлигини янада оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Бундай тузилмаларни Портер кластер деб атайди (Michael E. Porter. On Competition-Рақобот). Бундан ташқари, бундай уюшма ўзининг алоҳида элементларининг хусусиятларини уларнинг ўзаро ҳаракатлари жараёнида бирлаштириб, янги сифатларга эга бўлади, улар иқтисодий субъектлар томонидан ташкил этилган кластерларда айниқса аниқ ва хилма-хилдир. Бундай шаклланишлар кластерлардир. Бундан ташқари, бундай уюшмалар ўзининг алоҳида



Published: 10.11.2023

**Cite this article:** Мавлянов Мажид Тўйчиевич (2023). Кластер таснифи ва унинг муҳим жиҳатлари. Emro Science and Education, 1(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24319088

*© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.*

элементларининг хусусиятларини уларнинг ўзаро ҳаракати жараёнида бирлаштириб, хўжалик юритувчи иқтисодий субъектлар томонидан ташкил этилган кластерларда айниқса аниқ ва ҳар тамонлама янги сифатларда намаён бўлади. Кластер тушунчаси Портернинг кўплаб асарларида қўлланилади. Масалан, бунга, Портернинг 1998 йил Harvard Business Review (March–April 1990) журналида “Clusters and the New Economics of Competition (Кластеры и новая экономика конкуренции - Кластерлар ва рақоботларнинг янги иқтисодиёти” мақоласини келтиришимиз мумкин [3, Porter, 1998]. Мазкур мақолада Портер “What Is a Cluster?-Кластер нима?” деган саволни қўйиб, унга қуйидаги жавобни беради: “Кластерлар - бу маълум бир ҳудуддаги ўзаро боғлиқ компаниялар ва муассасаларнинг географик концентрацияси. Кластерлар ўзаро боғлиқ бўлган кўплаб тармоқларини ва рақобат учун муҳим бўлган бошқа объектларни қамраб олади. Буларга, масалан, бутловчи қисмлар, ускуналар ва хизматлар каби ихтисослаштирилган етказиб берувчилар ва инфратузилма ресурсларни етказиб берувчилар киради. Кўпинча кластерлар вертикалини тарқатиш каналлари ва истеъмолчиларга, горизонталини қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга ва кўникмалар, технологиялар ёки умумий харажатлар билан боғлиқ бўлган соҳалардаги компанияларга кенгайтиради. Ниҳоят, кўплаб кластерларга давлат ва бошқа муассасалари, яъни ихтисослаштирилган тайёрловни, таълимни, ахборотни, тадқиқот ва техник ёрдам кўрсатишни таъминлайдиган, университетлар, стандартларни белгилайдиган агентликлар, таҳлил марказлари, профессонал мутахассисларни тайёрловчилари ва савдо уюшмалар киради”.

Ўрганишлар, кластернинг жуда кўп таърифлари мавжуд эканлигини кўрсатади. Масалан, таниқли иқтисодчи А.В. Бондаренко кластерни “...географик жиҳатдан бир-бирига боғланган компаниялар гуруҳлари”-деб таснифлайди. Ушбу уюшма иштирокчилари таркибига маълум бир маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг институционал ва инфратузилма муҳити кириши мумкин. Кластер ва алоҳида саноат бирлашмаси ўртасидаги фарқ рақобатдош ва қўллаб-қувватловчи муносабатларнинг янада фаол ривожланиши ҳисобига фаолият самарадорлигини кучайтиришдир, бу эса юқори сифатли ва инновацион маҳсулотларни яратишга олиб келади” [6]. Кластерлар, уларга берилган таснифлар таниқли кластер тадқиқотчиси Л.С.Марковнинг монографик тадқиқотларида атрофлича ўрганилган [4]. Мамалакатимизда самарали ривожланаётган пахтачилик, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик кластерларига оид тадқиқотларда ҳам кластерлар тадқиқ этилган ва таснифланган [7-12].

**Хулоса ва таклифлар.**

1. Халқаро ва маҳаллий тажрибалар нафақат кластерларни тузиш, ривожлантириш ва ягона шакл ёки тизимга келтириш механизмлари, балки кластерларнинг моҳияти, уларнинг турлари, кластер назарияси бўйича ягона илмий тушунчалар мавжуд эмаслигини кўрсатади” [5]. Шу билан бирга, ҳудудларни кластерли ривожлантириш масалаларини ва уларда тўпланган муҳим тажрибаларини ўрганиш илмий ёндашувларни тақазо этади. Дарҳақиқат,

иқтисодиётга оид адабиётлар ва илмий нашрларда кластерлар: гуруҳлар, тармоқлар, тизимлар, бирлашмалар, кооперация ва интеграция шакллари, ўзаро боғлиқ субъектлар тўплами, институционал келишувлар, алоҳида турдаги иқтисодий объектлар, агломерациялар кўлами, иқтисодий блоклар, вертикал ишлаб чиқариш занжирлари, квазиинтеграция шакллари, ўзаро боғланган секторлар мажмуи, географик жиҳатдан маҳаллийлаштирилган тадбиркорлик тузилмалари сифатида таърифланади.

2. Иқтисодиётга оид илмий манбаларида кластерга берилган таърифларининг аксарияти кластерларни аниқлашга ва қолганлари эса кластернинг турларига оиддир. Кластерни аниқлашга оид таърифлари: “кластерлар-корхоналар, ташкилотлар, компаниялар, фирмалар гуруҳлари сифатида; кластерлар - тармоқ сифатида; тизим сифатида кластерларни ташкил этиш” каби тушунча ва хусусиятларини қамраб олади. Қолганлари эса кластерларнинг: “ҳудудий-ишлаб чиқариш, иқтисодий, саноат, минтақавий, аграсаноат, инновацион” каби турларга ажратилиб таърифланади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1.https://www.genon.ru/GetAnswer.aspx?qid=d8e5a021-f61a-4e59-aed9-84759c8fa4ca Каковы отличительные черты кластера? – Генон

2. https://t.me/ifmr_public/3965 / Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (ПМТИ)

3. Porter M.E. Clusters and the New Economics of Competition // Harvard Business Review, November-December. - 1998. - P. 77-90. https://hbr.org/1998/11/clusters-and-the-new-economics-of-competition Clusters and the New Economics of Competition

4. Марков Л.С. Теоретико-методологические основы кластерного по подхода. – Новосибирск: ИЭОПП СО РАН, 2015. – 300 с

5. Дибиров А.А., Погодина О. В. Теоретические основы моделирования кластеров в АПК. Экономика нового мира: науч. журн. 2018 г. №3 (Вып. 1351). С. 6-50 https://cyberleninka.ru/article/n/teoreticheskie-osnovy-modelirovaniya-klasterov-v-apk - Теоретические основы моделирования кластеров в АПК

6. Бондаренко А.В. Развитие кластеров конкуренции в национальной экономике. http://www.rusnauka.com/9_DN_2010/Economics/61255.doc.htm

7. Мавлянов М. Чорвачилик кластерларини шакллантириш ва такомиллаштириш масалалари. “Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, фан ва таълимнинг интеграциясига инновацион технологияларни тадбиқ этишда халқаро фермерларнинг роли” мавзусидаги халқаро илмий анжуман мақолалари тўплами (2020 йил 25-26 сентябрь) 1-қисм. – Наманган, 2020. – 229-235 б.

8. Khamrakul Urdushev, Majid Mavlyanov, Sirojiddin Eshankulov. (2020). ISSUES OF CLUSTERING AGRICULTURE IN UZBEKISTAN. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 10, Issue 10, October 2020. Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01261.6. 1180-1192 pp. https://saarj.com. https://saarj.com/wp-content/uploads/ACADEMICIA-OCTOBER-2020-FULL-JOURNAL.pdf

9. Урдушев, Х., Мавлянов, М., Эшанкулов, С. и Розиева, Г. (2023) “Агрокластеры и место цифровых технологий в их развитие”. *Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук / Actual Problems of Humanities and Social Sciences*, 3(6), сс. 115–125. doi: 10.47390/SP1342V3I6Y2023N15

10. Хамракул Урдушев, Маджид Мавлянов, Сирожиддин Эшанкулов. Кластерлар қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликда хўжалик юритиш фаолиятини замонавий усуллари сифатида. Samarkand branch of Tashkent State Agrarian University Theoretical and practical foundations of introducing smart agriculture in Uzbekistan. Volume 4 | SamTSAU Conference | 2023. https://cyberleninka.ru/article/n/klasterlar-ishlo-h-zhaligi-va-chorvachilikda-h-zhalik-yuritish-faoliyatini-zamonaviy-usullari-sifatida

11. Khamrakul Urdushev; Khudaynazar Yunusov; Sirojiddin Eshankulov. (2021). Analysis of the Current State of the Economy of Fruit and Vegetable Clusters in Uzbekistan. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding (IJMMU). ISSN 2364 - 5369. Volume 8, Issue 5, May, 2021. Hamburg, Germany Pages: 321 - 329. https://ijmmu.com/index.php/ijmmu/article/view/2673

12. Урдушев Х., Эшанқулов С., Мавлянов М.Т. (2022). Кластерлар интеграциялашган тузилма сифатида. Veterinariya va chorvachilikda innovatsion texnologiyalarni ishlab chiqarish va joriy etishning istiqboldagi vazifalari” nomli xalqaro ilmiyamaliy konferensiyasi materiallari. Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti, 2022 yil. https://sciencebox.uz/index.php/tibbiyot/article/view/4801/4328

IB&KT FAKULTETI 2022